

Buxoro viloyati Qorovulbozor tuman  
Davlat xizmatlari markazi tomonidan  
28.06.2022 yilda 520369-raqamiga  
asosan  
**QAYTA DAVLAT RO'YXATIDAN  
o'tkazilgan.**



“O'ZPARAVTOTRANS”  
aksiyadorlik jamiyati акциядорларининг  
2022 йил “11” май кунидаги навбатдан  
ташқари умумий йигиличи қарори билан  
**“ТАСДИКЛАНГАН”**



## “O'ZPARAVTOTRANS”

### aksiyadorlik jamiyati

## УСТАВИ

## **1. УМУМИЙ КОИДАЛАР**

1.1. Ушбу Устав Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хуққларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуни ва бошқа қонун хужжатлари асосида ишлаб чиқилган.

1.2. Жамият ўз фаолиятини Узбекистон Республикасининг Фукаролик кодекси, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хуққларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги (06.05.2014й. ЎРҚ.-370-сон) ва «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги (03.06.2016й. ЎРҚ-387) Қонунлари ва бошқа меъёрий-хукукий хужжатларга мувофик олиб боради.

1.3. Жамиятнинг тўлиқ фирма номи:

**Ўзбек тилида:**

- Кирилл ёзувида - «Ўзпаравтотранс» акциядорлик жамияти.
- лотин ёзувида - «O'zparavtotrans» aksiyadorlik jamiyati.

**Рус тилида:**

- Акционерное общество «Узпаравтотранс».

**Инглиз тилида:**

- Joint stock company «O'zparavtotrans»

Жамиятнинг қискарғирилган фирма номи:

**Ўзбек тилида:**

- Кирилл ёзувида - «Ўзпаравтотранс» АЖ.
- лотин ёзувида - «O'zparavtotrans» AJ.

**Рус тилида:**

- АО «Узпаравтотранс».

**Инглиз тилида:**

- JSC «O'zparavtotrans».

1.4. Жамият фаолият курсатиш муддати чекланмаган муддатга ташкил этилган.

1.5. Жамиятнинг жойлашган ери (пошли манзили): Ўзбекистон Республикаси, Бухоро вилояти, Коровулбозор тумани, Қарши шоссеи. Индекс: 200900.

1.6. Жамиятнинг электрон почта манзили:

Uzparavtotrans007@mail.uz, Uzparavtotrans@mail.ru

1.7. Жамиятнинг расмий веб-сайти: [www.uzpat.uz](http://www.uzpat.uz)

## **2. ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИНГ МАКСАДИ, ВАЗИФАЛАРИ ВА ФУНКЦИЯЛАРИ**

2.1. Куйидагилар жамиятни ташкил этиш ва фаолиятининг асосий максади хисобланади:

Жамиятнинг асосий максади Узбекистон Республикасида бозор инфраструктурасини барпо этиш, юридик ва жисмоний шахсларга автотранспорт хизмат курсатиш.

2.2. Жамият уз фаолиятини амалга ошириш ва олдида турган вазифаларни ечиш учун куйидаги хукукларига эгадир:

- а) халк истеъмол молларини ишлаб чикириш ва реализация қилиш;
- б) саноат махсулотларини ишлаб чикириш, халк истеъмол молларини улгуржи ва чакана савдосини ташкил этиш;
- в) узи ишлаб чикарган, вилоят ташкарисидан харид килган махсулотни сумга ва валютага сотиш учун турли хилдаги савдо корхоналарини очиш;
- г) амалга оширилаётган иш ва курсатилаётган хизматларга булган талаб ва ривожланиш бизнес-режасининг асосий иктисадий курсатгичлари асосида уз фаолиятини режалашгириш ва ривожланишнинг истикболини белгилаш;
- д) уз фаолиятини ривожлантириш бизнес-режасини тузиш;
- е) белгиланган тартибда асосий воситаларни ижарага бериш ва олиш, кредит, лизинг, гранд, ва бошқа молиявий ёрдам маблагларини жалб этиш;

ж) Узбекистон Республикасининг конунчилиги ва халкаро шартномаларга мос равиша ташки иктисодий фаолиятни ташкил этиш, чет эллик хукукий шахслар билан илмий ва илмий-техник хамкорликни мустакил амалга ошириш;

з) амалдаги конунчиликда белгиланган тартибда ва мустакил равиша уз балансидан мол-мулк, карзларни, камомад ва бошка заарларни чиқариш;

и) Жамият фаолиятининг барча йўналишларида ўз мунособатини Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва ўз фаолияти мақсади ва предмети доирасида юридик ва жисмоний шахслар билан тузиладиган шартнома, келишув, контрактлар асосида ташкил этади;

к) махаллий ва халкаро микёсда илмий конференция, симпозиум, форум, давра сұхбатлари ташкил этиш ва уларда иштирок этиш;

л) уз фаолиятини моддий-техник таъминотини ташкил этиш, уз фаолияти натижасида олинган даромадларни мустакил равиша тасарруф этиш, шунингдек молиявий ва бегараз хайрия ёрдам курсатиш;

м) бошка манбалардан келган молиявий маблаглардан фойдаланиш;

н) мавжуд молиявий маблаглар манбалари хисобидан асосий ва айланма воситаларни согиб олиш ёки ижарага олиш;

о) конунчиликда белгиланган тартибда таркибий тузилмаларни ташкил этиш, Узбекистон ичидан ва хориждан мутахассислар ёллаш, уларнинг меҳнагига ҳак тулаш услуби, микдори ва турини мустакил белгилаш;

п) Узбекистон Республикаси қонунчилиги, Жамият Устави ва унда белгиланган максад ва вазифаларга зид булмаган бошка фаолият турлари билан шугулланиш;

р) Жамият Узбекистон Республикаси қонунчилигига инобатга олинган бошка хукукларга хам эга.

Махсус рухсатнома (лицензия) талаб килинадиган фаолият турлари тегишли рухсатнома (лицензия) олингандан сунг амалга оширилади.

Жамият юкорида курсатилган фаолият турларидан ташкари узига карашли булинмалар, корхоналар ишини яхшилаш хамда уларни куллаб-куватлаш учун конунчиликка зид келмайдиган бошка ишларни хам бажариши мумкин.

2.3. Жамият фаолияти юкоридан белгиланган фаолият турлари билан чегараланмайди.

Жамият амалдаги конунчилик ва мазкур Уставга зид булмаган фаолиятни амалга ошириш учун зарур булган хукук ва мажбуриятларга эга булиши мумкин.

2.4. Жамиятнинг хужалик ва бошка фаолиятига давлат ва бошка ташкилотлар томонидан аралашувига йул куйилмайди, агар бу Жамият фаолиятини белгиланган тартибда назорат килиш хукуки билан боялик булмаса.

2.5. Жамият томонидан хайр саховат, эхсон (благотворительность) ва бошка текинга, пулсиз (безвозмездно) амалга ошириладиган ёрдамларга хар йили ажратиладиган харажатлар утган йил олинган соф фойданинг З фоизидан ошмаслиги керак, бунда бизнес-режанинг соф фойда кисми буйича утган хисобот йили курсаткичлари бажарилган тавдирда ушбу харажатлар амалга оширилиши мумкин.

### **3. ЖАМИЯТ УСТАВ ФОНДИ МИКДОРИ**

3.1. Жамиятнинг устав фонди (устав капитали) акциядорлар олган жамият акцияларининг номинал кийматидан ташкил топади. Жамият чикарадиган барча акцияларнинг номинал киймати бир хил булиши лозим.

3.2. Жамият Устав фонди микдори номинал киймати 5 000 сум булган 393 486 дона оддий ва 3 531 дона имтиёзли жами 397 017 дона эгаси ёзилган накдсиз (хужжатсиз) акцияларга бўлинган бўлиб, жами 1 985 085 000 сўмдан иборат ва акциядорлар ўртасида куйидагича тақсимланган:

- Давлат улуши (Ўзбекистон Республикаси Давлат активларинир бошқариш агентлигига берилган) 38,33 фоизлик, умумий қиймати 760 830 000 сум булган, жами 149 166 дона оддий акция;

- Очиқ савдо улуши (мөхнат жамоаси ҳамда бошқа жисмоний ва юридик шахслар) 61,68 фоизлик, умумий қыймати 1 224 255 000 сум булган, жами 244 851 дона акция (шундан 241 320 дона оддий ва 3 531 дона имтиёзли);

**a) Жамият Устав фонди миқдорини қўпайтириши.**

3.3. Жамиятнинг устав фонди (устав капитали) қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан қўпайтирилиши мумкин.

3.4. Кўшимча акциялар фақат жамият уставида белгиланган, эълон қилинган акцияларнинг сони доирасида жамият томонидан жойлаштирилиши мумкин.

3.5. Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) қўпайтириш тўғрисидаги ва жамият уставига тегишли ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қарорлар жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан қабул қилинади.

3.6. Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) қўпайтириш тўғрисидаги қарорда жойлаштириладиган қўшимча оддий акцияларнинг ва имтиёзли акцияларнинг сони, уларни жойлаштириш муддатлари ҳамда шартлари белгиланади.

3.7. Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) қўпайтириш жойлаштирилган қўшимча акцияларнинг номинал қыймати миқдорида рўйхатдан ўтказилади. Бунда жамият уставида кўрсатилган, эълон қилинган муайян турдаги акцияларнинг сони ушбу турдаги жойлаштирилган қўшимча акцияларнинг сонига камайтирилиши керак.

3.8. Жамиятнинг тегишли бошқарув органи томонидан қабул қилинган қўшимча акцияларни чиқариш ҳақидаги қарор жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) қўпайтириш тўғрисидаги қарордир.

3.9. Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) қўпайтириш жалб қилинган инвестициялар, жамиятнинг ўз капитали ва ҳисобланган дивидендлар ҳисобидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкин.

3.10. Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) унинг ўз капитали ҳисобидан қўпайтиришда қўшимча акциялар барча акциядорлар ўртасида тақсимланади. Бунда ҳар бир акциядорга қайси турдаги акциялар тегишли бўлса, айни ўша турдаги акциялар унга тегишли акциялар сонига мутаносиб равишда тақсимланади. Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) қўпайтирилиши натижасида қўпайтириш суммасининг битта акциянинг номинал қыйматига мувофиқлиги таъминланмайдиган бўлса, жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) қўпайтиришга йўл қўйилмайди.

3.11. Жамият томонидан акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган, хаки пул маблаглари билан туланадиган эмиссиявий кимматли когозларни жойлаштиришда овоз берувчи акцияларнинг эгалари булган акциядорлар узига тегишли шу турдаги акциялар миқдорига мутаносиб миқдорда уларни имтиёзли олиш хукукига эга.

3.12. Имтиёзли хукукни кулламаслик тугрисидаги қарор, шунингдек бундай қарорнинг амал килиш муддати ҳақидаги қарор акциядорларнинг умумий йигилишида иштирок этётган овоз берувчи акциялар эгаларининг купчилик овози билан қабул килиниши мумкин. Бундай қарорнинг амал килиш муддати ушбу қарор қабул килинган пайтдан эътиборан бир йилдан ортик булиши мумкин эмас.

3.13. Имтиёзли хукукка эга булган шахсларнинг руйхати кимматли когозларни чиқариш тугрисидаги қарор қабул килинган санадаги жамият акциядорлари реестрининг маълумотлари асосида тузилади.

3.14. Солиққа оид ёки давлат олдидағи бошқа қарздорлик ҳисобига жамият устав фондидаги (устав капиталидаги) давлат улушини шакллантириш ёки ошириш тўғрисидаги қарор жамият акциядорлари умумий йигилиши томонидан жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг камида учдан икки қисми эгалари бўлган акциядорларнинг (давлатдан ташқари) розилиги мавжуд бўлган тақдирда, акциядорларнинг оддий қўпчилик овози билан қабул қилинади.

**б) Жамият Устав фонди миқдорини камайтириши.**

3.15. Жамиятнинг устав фонди (устав капитали) акцияларнинг номинал қийматини камайтириш ёки акцияларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан, шу жумладан акцияларнинг бир қисмини кейинчалик бекор қилган ҳолда жамият томонидан акцияларни олиш йўли билан камайтирилиши мумкин.

3.16. Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) акцияларнинг бир қисмини олиш ва бекор килиш йўли билан камайтиришга йўл қўйилади.

3.17. Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) камайтириш тўғрисида қарор қабул қилинаётганда акциядорларнинг умумий йигилиши устав фондини (устав капиталини) камайтириш сабабларини кўрсатади ва уни камайтириш тартибини белгилайди.

3.18. Агар устав фондини камайтириш натижасида унинг микдори жамиятнинг уставига киритилган тегишли узгартиришларни руйхатдан утказиш куни белгиланадиган жамият устав фондининг энг кам микдоридан конун хужжатларида белгиланганидан камайиб кетадиган булса, жамият устав фондини камайтиришга хакли эмас.

3.19. Устав фондини камайтириш ва жамият уставига тегишли узгартишлар киритиш хакидаги карор акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан кабул килинади.

3.20. Агар иккинчи молия йили ва ундан кейинги ҳар бир молия йили тугаганидан кейин акциядорларнинг умумий йигилишига тасдиқлаш учун тақдим этилган йиллик бухгалтерия балансига ёки аудиторлик текшируви натижасига мувофиқ жамият соф активларининг қиймати унинг устав фондидан (устав капиталидан) оз бўлиб чиқса, жамият ўз устав фондини (устав капиталини) соф активлари қийматидан ошиб кетмайдиган микдоргача камайтириши шарт.

3.21. Жамиятда жамият уставида назарда тутилган, аммо унинг устав фондининг (устав капиталининг) ун беш фоизидан кам булмаган микдорда захира фонди ташкил этилади.

Жамиятнинг захира фонди жамият уставида белгиланган микдорга етгунига кадар соф фойдадан ҳар йилги мажбурий ажратмалар оркали шакллантирилади. Ҳар йилги ажратмаларнинг микдори жамият уставида назарда тутилади, аммо бу микдор жамият уставида белгиланган микдорга етгунига кадар соф фойданинг беш фоизидан кам булмаслиги керак.

3.22. Бошка маблағлар мавжуд булмаган тақдирда, жамиятнинг захира фонди жамиятнинг заарлари урнини коплаш, жамиятнинг корпорагив облигацияларини муомаладан чикариш, имтиёзли акциялар буйича дивидендлар туша ва жамиятнинг акцияларини кайтариб сотиб олиш учун мулжалланади.

3.23. Жамиятнинг захира фондидан бошка максадлар учун фойдаланиш мумкин эмас.

#### **4. ЖАМИЯТ АКЦИЯЛАРИНИНГ СОНИ, НОМИНАЛ ҚИЙМАТИ, ТУРЛАРИ**

4.1. Жамият томонидан кимматли когозларни муомалага чикариш, руйхатдан утказиш, жойлаштириш ва улар буйича хисоб-китобларни амалга ошириш амалдаги конунчилик хужжатлари ва мазкур Устав билан белгиланади.

4.2. Жамият акциялари эгасининг номи ёзилган эмиссиявий кимматли когозлар булиб, улар турига кура оддий ва имтиёзли булиши мумкин.

4.3. Акция булинмасдир. Агар акция умумий мулк хукуки асосида бир нечта шахсга тегишли булса, бу шахсларнинг барчаси бир акциядор деб эътироф этилади ва акция билан тасдиқланган хукуклардан узларининг умумий вакили оркали фойдаланади.

4.4. Акциялар мулк хукуки ёки бошка ашёвий хукук асосида кайси юридик ёки жисмоний шахсга тегишли булса, уша юридик ёхуд жисмоний шахе акциянинг эгаси — акциядор деб эътироф этилади.

4.5. Оддий акциялар овоз берувчи акциялар булиб, улар уз эгасига дивидендлар олиш, жамиятни бошкаришда ишгиrok этиш хукукини беради.

4.6. Имтиёзли акциялар эгалари жамият тутатилган тақдирда унинг мулклари таксимланаётган пайтда оддий акция эгалари уртасида мулк таксимоти амалга оширилгунга кадар уз акциялари номинал қийматининг икки баравари микдорида оладилар.

4.7. Уз эгаларига дивидендларни, шунингдек жамият тутатилаётганда акцияларга куйилган маблагларни биринчи навбатда олиш хукукини берадиган акциялар имтиёзли акциялардир.

4.8. Акциянинг эгаси булган акциядорга овозга куйилган масапани хал этишда овоз бериш хукукини берадиган оддий ёки имтиёзли акция жамиятнинг овоз берувчи акцияси хисобланади.

4.9. Жамият хар бирининг номинал киймати 5 000 сум булган акцияларни муомалага чикаради.

4.10. Жамият Устав фонди микдори номинал киймати 5 000 сум булган умумий киймати 1 985 085 000 сўм бўлган, 393 486 дона оддий ва 3531 дона имтиёзли жами 397 017 дона эжаси ёзилган накдсиз хужжатсиз акциялардан иборат.

Жамият жойлаштирилган акцияларга кушимча равишда жойлаштиришга хакли булган эълон килинган акциялар: номинал киймати 5 000 сум булган, 19 537 676 дона оддий ва 197 646 дона имтиёзли жами 19 735 322 (ўн туққиз миллион етти юз ўттиз беш минг уч юз йигирма икки) дона эгаси ёзилган накдсиз (хужжатсиз) акциялардан иборат.

4.11. Жамият уз хужалик фаолияти натижасидаги заарларни коплаш максадида акцияларни муомалага чикариши мумкин эмас.

## 5. ДИВИДЕНДЛАР ТУЛАШ ТАРТИБИ

5.1. Жамият хужалик фаолияти нагижасида олинган фойда, амалдаги конунчилик хужжатларида белгиланган соликлар ва бошка мажбурий толовлар туланганидан сунг жамият мулки хисобланади ва амалдаги конунчилик хужжатлари ва мазкур Уставга асосан Жамият фондларини шакллантириш, кайта инвестициялаш ва акциялар буйича дивиденд тулаш учун ишлатилади.

5.2. Дивиденд жамият соф фойдасининг акциядорлар уртасида таксимланадиган кисмидир. Жамият акцияларнинг хар бир тури буйича эълон килинган дивидендларни тулаши шарт.

5.3. Акциядорлар жамиятининг умумий йигилиши карорига биноан дивиденд пул маблаглари ёки бошка конуний толов воситалари билан туланиши мумкин.

Дивиденд акциядорлар уртасида уларга тегишли акцияларнинг сони ва турига мутаносиб равишда таксимланади. .

5.4. Жамият йилнинг хар чорагида, хар ярим йилда ёки йилига бир марта жойлаштирилган акциялар буйича дивидендлар тулаш тугрисида карор кабул килишга (эълон килишга) хаклидир.

5.5. Акцияларнинг хар бир тури буйича дивидендлар тулаш, дивиденднинг микдори, уни туши шакли ва тартиби тугрисидаги карор жамият кузатув кенгашининг тавсияси, молиявий адсоботниш ишончлилиги хакида аудиторлик хulosаси мавжуд булган тақдирда, молиявий Хисбот маълумотлари асосида акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан кабул килинади.

Дивидендларнинг микдори жамият кузатув кенгashi томонидан тавсия этилган микдордан куп булиши мумкин эмас. Акциядорларнинг умумий йигилиши акцияларнинг муайян турлари буйича дивидендлар тўламаслик тўғрисида, шунингдек жамият уставида дивиденд микдори белгилаб куйилган имтиёзли акциялар буйича тулик булмаган микдорда дивидендлар тулаш хакида карор қабул килишга хакли. Дивидендлар тўлаш тўғрисидаги карорда дивидендлар тўлаш бошланадиганватугалланадиган саналар курсатилади.

5.6. Дивидендлар Жамият тасарруфида коладиган соф фойдадан ва (ёки) ўтган йилларнинг таксимланмаган фойдасидан тўланади.

Дивидендлар тулаш муддати ва тартиби акциядорларнинг умумий йигилиши карори билан белгиланади. Дивидендлар тулаш муддати шундай карор кабул килинган кундан эътиборан 60 кундан кеч булмаслиги лозим.

5.7. Дивидендларни эълон килиш тугрисида карор кабул килинган акциядорларнинг умумий йигилишини утказиш учун шакллантирилган Жамият акциядорлари реестрида кайд этилган акциядорлар дивиденд олиш хукукига эга.

5.8. Жамият устав фондининг (устав капиталининг) хаммаси унинг таъсис этилиши чогида тулик тулаб булингунига кадар;

агар дивидендлар туланадиган пайтда жамиятда банкротлик белгилари мавжуд булса ёки жамиятда шундай белгилар дивидендларни тулаш натижасида пайдо булса;

агар жамият соф активларининг киймати унинг устав фонди (устав капитали) ва захира фонди суммасидан кам булса, акциялар буйича дивидендлар тулаш тугрисида карор кабул килишга хамда дивидендлар тулашга хакли эмас.

5.9. Жамият дивидендлар микдорини улардан ундириладиган соликларни инобатга олмаган холда эълон килади.

5.10. Эгаси ёки эгасининг копуний хукукий вориси ёхуд меросхури томонидан уч йил ичида талаб килиб олинмаган дивиденд акциядорларнинг умумий йигилиши карорига кура жамият ихтиёрида колади.

5.11. Имтиёзли акциялар уз эгаларига жамият фойда куриш-курмаслигидан катъи назар, акциянинг номинал кийматига нисбатан 25 (йигирма) фоиз микдорда дивидендлар олиш хукукини беради.

5.12. Жамият томонидан оддий акциялар буйича хисобланган дивидендларни тулаш акциядорларнинг дивидендларни олишга булган teng хукукларига риоя этилган холда амалга оширилади.

## **6. ЖАМИЯТ БОШКАРУВ ТУЗИЛМАСИ**

6.1. Жамиятни бошкарув органлари куйидагилардан иборат:

- Акциядорларнинг умумий йигилиши;
- Кузатув Кенгashi;
- Ижроия органи (Бошкарув).

## **7. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ УМУМИЙ ЙИГИЛИШИ**

7.1. Акциядорларнинг умумий йигилиши жамиятнинг юкори бошкарув органидир.

Акциядорларнинг умумий йигилиши уз фаолиятини амалдаги конун хужжатлари, мазкур Устав ва “Жамият акциядорларининг умумий йигилиши тугрисида”ги Низомга асосан амалга оширади.

7.2. Акциядорларнинг умумий йигилишини жамият кузатув кенгашининг раиси, у узрли сабабларга кура булмаган такдирда эса, жамият кузатув кенгашининг аъзоларидан бири олиб боради.

7.3. Жамият хар йили акциядорларнинг умумий йигилишини (акциядорларнинг йиллик умумий йигилишини) утказиши шарт.

7.4. Акциядорларнинг йиллик умумий йигилиши молия йили тугаганидан кейин олти ойдан кечиктирмай утказилади. Акциядорларнинг йиллик умумий йигилишида жамиятнинг кузатув кенгашини сайлаш тугрисидаги, шунингдек жамиятнинг йиллик хисоботи жамият ижроия органи ва кузатув кенгашининг жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш буйича курилаётган чора-тадбирлар тугрисидаги хисоботлари ва бошка хужжатлари куриб чикилади.

Жамиятда акциядорларнинг йиллик умумий йигилишини одатда хар йили июн ойида утказилади.

7.5. Акциядорларнинг йиллик умумий йигилишидан ташкари утказиладиган умумий йигилишлари навбатдан ташкари йигилишлардир.

7.6. Акциядорларнинг умумий йигилишини утказиш санаси ва тартиби, йигилиш утказилиши хакида акциядорларга хабар бериш тартиби, акциядорларнинг умумий йигилишини утказишга тайёргарлик вактида акциядорларга бериладиган материалларнинг (ахборотнинг) руйхати жамиятнинг кузатув кенгashi томонидан белгиланади.

7.7. Жамиятнинг барча оддий акциялар битта акциядорга тегишли булган холатда акциядорларнинг умумий йигилиши утказилмайди. Конун хужжатлари ва мазкур устав билан акциядорларнинг умумий йигилиши ваколагига киритилган масалалар буйича карорлар бундай акциядор томонидан якка тартибда кабул килинади хамда ёзма шаклда расмийлаштирилади, жамиятнинг имтиёзли акциялари конун хужжатларига мувофик овоз

бериш хукукини олиши холлари бундан мустасно. Бунда конун хужжатлари ва ушбу уставда белгиланган акциядорлар умумий йигилишига тайёргарлик куриш, уни чакириш ва утказиш тартибини хамда муддатларини белгиловчи коидалар кулланилмайди, акциядорларнинг йиллик умумий йигилишини утказиш муддатларига тааллукли коидалар бундан мустасно.

Акциядорлар, шу жумладан, миноритар акциядорлар овоз беришда уларнинг биргалиқдаги позициясини шакллантириш учун акциядорлик битимини тузишга хакли.

Миноритар акциядорлар хужжатларни асосиз равишда талаб килиш ва маҳфий ахборотлар, тижорат сирларини куллаш йули билан жамият бошқарув органи фаолиятига тускинлик килмаслиги лозим.

Акциядор жамият маблаглари хисобидан миноритар акциядорлик кумитасини тайинлаш харажатини коплайди (миноритар акциядорлик кумитаси тузилган тақдирда).

7.8. Акциядорлар умумий йигилишининг ваколат доирасига куйидагилар киради:

а) жамият Устави, “Жамият кузатув кенгашни тугрисида”ги низомга узгартиш ва күшимишалар киритиш ёки жамиятнинг янги таҳрирдаги Уставини, “Жамият кузатув кенгашни тугрисида”ги низомини тасдиклаш;

б) жамиятни кайта ташкил этиш;

в) жамиятни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш хамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиклаш;

г) жамият кузатув кенгашининг ва миноритар акциядорлар кумитасининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

д) эълон килинган акцияларнинг энг куп миқдорини белгилаш;

е) жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) камайтириш;

ж) ўз акцияларини олиш;

з) жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиклаш;

и) жамиятнинг йиллик хисботини, шунингдек жамият фаолиятининг асосий йуналишлари ва максадидан келиб чиккан холда жамиятни урта муддатга ва узок муддатга ривожлантиришнинг аник муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиклаш;

к) жамиятнинг фойдаси ва заарларини гаксимлаш;

л) жамият кузатув кенгашининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан жамиятни бошқаришга доир қонунчиликда белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан жамият кузатув кенгашининг ҳисботларини эшлиш;

м) имтиёзли хукукни кулламаслик тугрисида конун хужжатларида назарда тутилган карорни кабул килиш;

н) акциядорлар умумий йигилишининг регламентини тасдиклаш;

о) акцияларни майдалаш ва йириклиштириш;

п) конун хужжатларида белгиланган тартиба жамият томонидан йирик битимлар ва жамиятнинг аффилланган шахслари билан битимлар тузиш тугрисида карор кабул килиш, шунингдек кундалик хужалик фаолиятига тегишли булган битимларни белгилаш;

р) мажбурий аудиторлик текширувани ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш, ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;

с) амалдаги конунчилик ва мазкур Уставда кузда тутилган бошка масалаларни хал этиш;

т) Шу билан бирга акциядорларнинг умумий йигилиши ваколати доирасига куйидагилар киради:

- Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларига риоя этиш мажбуриятини олиш тугрисида карор кабул килиш ва хабарни ошкор килиш шаклини тасдиклаш;

- Жамиятнинг бошқарув органлари тугрисидаги, шу жумладан ички назорат, дивиденд сиёсати тугрисидаги, манфаатлар карама-каршилиги вактида харакат килиш тартиби тугрисидаги низомларини тасдиклаш;

- хар йили мустакил профессионал ташкилотлар - маслахатчиларни жалб килган холда бизнес-жараёнлар ва лойихаларнинг Жамиятнинг ривожланиш максадларига мувофиқлиги юзасидан тахлил утказиш тугрисида карор кабул килиш;

- Жамиятнинг жорий хужалик фаолияти билан бөгликтен белгилаш;

- санок комиссиясига амалий кумак курсатиш ёки унинг функциясини бажариш учун мустакил эксперктларни жалб этиш (масалан, инвестиция маслахатчиси ёки кимматли когозлар бозорининг бошка профессионал иштирокчиси) тартибини белгилаш (тасдиклаш);

- Жамият маблаглари хисобидан миноритар акциядорлик кумитасини саклаш харажатини коплаш (миноритар акциядорлик кумитаси тузилган тақдирда) тартибини белгилаш (тасдиклаш);

- акциядорларнинг умумий йигилишида хисбот берувчи Жамият бошкарув ва назорат органлари маъruzалари (хисботлари) шакли ва мазмунига булган талабларни, акциядорлар умумий йигилиши давомийлигини белгилаш;

- Корпоратив бошкарув Кодексда белгиланган бошка масалаларни ваколат доирасида хал этиш.

Акциядорлар умумий йигилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар Жамиятнинг Кузатув кенгashi хал килиши учун берилиши мумкин эмас, ушбу Уставда кузда тутилган холлар бундан мустасно.

Акциядорлар умумий йигилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар жамиятнинг ижроия органи хал килиши мумкин эмас.

7.9. Акциядорларнинг умумий йигилишида овозга куйилган масалалар буйича куйидагилар овоз бериш хукукига эга булади:

жамиятнинг оддий акциялари эгалари булган акциядорлар;

конун хужжатларида назарда тутилган холларда жамиятнинг имтиёзли акциялари эгалари булган акциядорлар.

7.10. Овозга куйилган масала буйича акциядорлар умумий йигилишининг карори, агар конун хужжатларида бошкача коида белгиланмаган булса, жамиятнинг овоз берувчи акциялари эгалари булган, йигилишда иштирок этаётган акциядорларнинг купчилик (оддий купчилик) овози билан кабул килинади.

7.11. Ушбу Уставнинг 7.8. бандининг а, б, в, д, л - хат бошиларида курсатилган масалалар буйича карор акциядорлар умумий йигилиши томонидан акциядорларнинг умумий йигилишида иштирок этаётган овоз берувчи акцияларнинг эгалари булган акциядорларнинг туртдан уч кисмидан иборат купчилик (малакали кўпчилик) овози билан кабул килинади.

7.12. Акциядорларнинг умумий йигилишини олиб бориши тартиби буйича акциядорлар умумий йигилиши томонидан карор кабул килиш тартиби ушбу устав ёки жамиятнинг акциядорлар умумий йигилиши карори билан тасдикланган бошка хужжатларида белгилаб куйилади.

7.13. Акциядорларнинг умумий йигилиши кун тартибига киритилмаган масалалар буйича карор кабул килишга, шунингдек кун тартибига узгаришлар киритишга хакли эмас.

7.14. Овоз бериш якунлари акциядорларнинг овоз бериш ўтказилган умумий йигилишида ўқиб эшиттирилади, шунингдек акциядорларнинг умумий йигилиши ёпилганидан кейин овоз бериш якунлари тўғрисидаги ҳисботни эълон қилиш орқали акциядорлар эътиборига етказилади.

7.15. Акциядорларнинг умумий йигилишида иштирок этиш хукукига акциядорларнинг умумий йигилиши утказиладиган санадан уч иш куни олдин шакллантирилган жамият акциядорларининг реестрида кайд этилган акциядорлар эга булади.

7.16. Акциядорларнинг умумий йигилишини ўтказиш тўғрисидаги хабар акциядорларнинг умумий йигилиши ўтказиладиган санадан камида йигирма бир кундан кечиктирмай, лекин узоғи билан ўттиз кун олдин Корпоратив ахборотнинг ягона порталарида, жамиятнинг расмий веб-сайтида ва оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади, шунингдек акциядорларга электрон почта орқали юборилади.

Акциядорларнинг умумий йигилишини утказишга тайёргарлик курилаётганда акциядорларга тақдим этилиши лозим булган ахборотга (материалларга) жамиятнинг йиллик хисоботи, жамиятнинг йиллик молия-хужапик фаолиятини текшириш натижалари юзасидан аудиторлик ташкилотининг холосаси, жамият кузатув кенгашининг бошкарув раиси (хорижий менежер)ни ва бошкарув аъзолари билан тузилган шартноманинг амал килиш муддатини узайтириш, шартномани кайта тузиш ёки бекор килиш мумкинлиги тугрисидаги холосаси, шунингдек жамиятнинг кузатув кенгаши аъзолигига номзодлар тугрисидаги маълумотлар, жамиятнинг уставига киритиладиган ўзгартиш ва кушимчалар лойихаси ёки жамиятнинг янги тахрирдаги устави лойихаси киради.

7.17. Жамият овоз берувчи акцияларининг хаммаси булиб камидан бир фоизига эгалик килувчи акциядорлар (акциядор) жамиятнинг молия йили тугаганидан кейин 90 (туксон) кундан кечиктирмай акциядорларнинг йиллик умумий йигилиши кун тартибида масалалар киритишга ҳамда жамият кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясига (тафтишчилигига) бу органнинг микдор таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар курсатишга хакли.

Шунингдек, Акциядорлар (акциядор) жамият кузатув кенгаши узлари курсатган номзодлар руйхатига акциядорларнинг йиллик умумий йигилиши утказилиши тугрисидаги хабар эълон килинган санадан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай ўзгартишлар киритишга хакли.

Шу билан бирга, жамият овоз берувчи акцияларининг хаммаси булиб камидан бир фоизига эгалик килувчи акциядорлар (акциядор) соф фонда таксимоти буйича, жамиятнинг бошкарув ва назорат органларига номзодлар буйича ҳамда уларни акциядорларнинг умумий йигилиши утказилишига кадар алмаштириш имконияти билан кун тартибида таклифлар беришга хакли.

7.18. Акциядорларнинг умумий йигилиши утказиладиган сана уни утказиш тугрисида карор кабул килинган кундан эътиборан ун кундан кам ва уттиз кундан куп этиб белгиланиши мумкин эмас.

7.19. Акциядорларнинг навбатдан ташкари умумий йигилиши жамият кузатув кенгашининг карорига кура унинг уз ташаббуси асосида, шунингдек ёзма талаб тақдим этилган санада жамият овоз берувчи акцияларининг камидан беш фоизига эгалик килувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) ёзма талаби асосида утказилади.

7.20. Жамият жамият овоз берувчи акцияларининг камидан беш фоизига эгалик килувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) ёзма талабига кура акциядорларнинг навбатдан ташкари умумий йигилишини чакириш акциядорларнинг навбатдан ташкари умумий йигилишини утказиш хакида ёзма талаб тақдим этилган кундан эътиборан уттиз кундан кечиктирмай жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан амалга оширилади.

7.21. Жамиятнинг жамият овоз берувчи акцияларининг камидан беш фоизига эгалик килувчи акциядор (акциядорлар) акциядорларнинг навбатдан ташкари умумий йигилишини чакириш тугрисида талаб тақдим этган санадан эътиборан ун кун ичидан жамият кузатув кенгаши акциядорларнинг навбатдан ташкари умумий йигилишини чакириш тугрисида ёки йигилиши чакиришни рад этиш хакида карор кабул килади.

7.22. Овозларни санаб чикиш, акциядорларнинг умумий йигилишида иштирок этиши учун акциядорларни руйхатга олиш, шунингдек овоз бериш бюллетенларини таркатиш учун жамият кузатув кенгаши томонидан санок комиссияси тузилиб, унинг аъзолари сони ва шахсий таркиби акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан тасдикланади.

7.23. Агар акциядорларнинг умумий йигилишида иштирок этиши учун руйхатдан утказиш тугалланган пайтда жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами эллик фоизидан купрок овозига эга булган акциядорлар (уларнинг вакиллари) руйхатдан утган булса, акциядорларнинг умумий йигилиши ваколатли (кворумга эга) булади.

7.24. Акциядорларнинг умумий йигилишини утказиш учун кворум булмаса, акциядорларнинг такрорий умумий йигилишини утказиш санаси эълон килинади.

Акциядорларнинг такрорий умумий йигилишини угказишда кун тартибини ўзгартиришга йул куйилмайди.

7.25. Агар акциядорларнинг утказилмай колган йигилиши урнига чакирилган тақорий умумий йигилишида иштирок этиш учун руйхатдан утказиш тугалланган пайтда жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами кирк фоизидан купрок овозига эга булган акциядорлар (уларнинг вакиллари) руйхатдан утган булса, акциядорларнинг тақорий умумий йигилиши ваколатли булади.

7.26. Акциядорларнинг умумий йигилишида овоз бериш «жамиятнинг овоз берувчи бигта акцияси - битта овоз» принципи буйича амалга оширилади, жамиятнинг кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш буйича кумулятив овоз беришни ўтказиш холлари бундан мустасно.

7.27. Акциядорларнинг умумий йигилишида кун тартиби масалалари буйича овоз бериш овоз бериш бюллетенлари оркали амалга оширилади.

7.28. Овоз бериш якунлари буйича санок комиссияси овоз бериш якунлари тугрисида баённома тузади, баённома жумладан акциядорлар умумий йигилишининг кворуми мавжудлиги тугрисидаги маълумотларни хам уз ичига олади ва санок комиссиясининг аъзолари томонидан имзоланади.

7.29. Овоз бериш якунлари акциядорларнинг овоз бериш утказилган умумий йигилишида укиб эшиттирилади, шунингдек акциядорларнинг умумий йигилиши ёпилганидан кейин овоз бериш якунлари тугрисидаги хисоботни эълон килиш оркали акциядорлар эътиборига етказилади.

7.30. Акциядорлар умумий йигилишининг баённомаси акциядорларнинг умумий йигилиши ёпилганидан кейин ун кундан кечиртирмай икки нусхада тузилади. Хар иккала нусха хам умумий йигилишда раислик килувчи ва умумий йигилиш котиби томонидан имзоланади.

## 8. ЖАМИЯТ КУЗАТУВ КЕНГАШИ

8.1. Жамиятнинг кузатув кенгаши жамият фаолиятига умумий раҳбарлик килади, ушбу Устав ва конунчилик билан акциядорлар умумий йигилишининг мутлак ваколатларига киритилган масалаларни хал этиш бундан мустасно.

Жамият кузатув кенгаши уз фаолиятини, амалдаги конун хужжатлари, мазкур Устав ва “Жамият кузатув кенгаши тугрисида”ги Низомга асосан амалга оширади.

8.2. Жамият кузатув кенгашининг ваколатлари куйидагилардан иборат:

- жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш буйича курилаётган чоратадбирлар тугрисида жамият ижроия органининг хисоботини мунтазам равища эшитиб борган холда жамият фаолиятининг устувор йуналишларини белгилаш;

- жамият акциядорларининг йиллик ва навбатдан ташкари умумий йигилишларини чакириш, конунчиликда назарда тутилган холлар бундан мустасно;

- акциядорлар умумий йигилишининг кун тартибини тайёрлаш;

- акциядорларнинг умумий йигилиши утказиладиган сана, вакт ва жойни белгилаш;

- акциядорларнинг умумий йигилиши утказилиши хакида хабар килиш учун жамият акциядорлари реестрини шакллантириш санасини белгилаш;

- жамият уставига узгартариш ва кушимчалар киритиш ёки янги таҳирдаги уставни тасдиқлаш тугрисидаги масалаларни акциядорлар умумий йигилиши карорига киритиш;

- мол-мулкнинг бозор кийматини белгилашни ташкил килиш;

- конунда хужжатларида назарда тутилган холларда жамият томонидан жойлаштирилган акциялар, корпоратив облигациялар ва бошка кимматли когозларни кайтариб сотиб олиш тўгрисида карор кабул килиш;

- жамиятнинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш, бунда жамиятнинг келгуси йилга мулжалланган бизнес режасини жамият кузатув кенгаши мажлисида жорий йилнинг 1 декабридан кечиртирмай маъкулланиши лозим;

- корпоратив бошкарув кодексида кузда тутилган низомлар, тартиблар ва жамиятни бошкарув раиси лавозимига танлов асосида тайинлаш буйича регламентни тасдиқлаш, узгартариш киритиш ва бекор килиш;

- жамиятнинг йиллик хисоботи билан бирга жамиятнинг йиллик молия-хужалик фаолиятини аудиторлик текшируви якунлари буйича ташки аудиторнинг хисобот ва хулосасини эшитиш хамда унинг натижалари буйича тегишли чора-тадбирлар белгилаш. Бунда жамиятнинг йиллик хисоботи акциядорларнинг йиллик умумий йигилиши утказиладиган санадан камида ўн кундан кечиктирмай жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан дастлабки тарзда тасдикланиши лозим;

- йилнинг хар чораги якунлари буйича ижроия органи ва ички аудит хизмати хисоботларини эшитиш хамда унинг натижалари буйича тегишли чора-тадбирлар белгилаш;

- корпоратив маслаҳатчини тайинлаш ва унинг фаолияти тартибини белгиловчи низомни тасдиклаш;

- ички аудит хизматини ташкил этиш, унинг ходимларини тайинлаш ва харажатларининг йиллик сметасини тасдиклаш, шунингдек хар чоракда унинг хисоботларини эшитиб бориш;

- жамият бошкарув раиси (хорижий менежер)ни ва бошкарув аъзоларини тасдиклаш (сайлаш, тайинлаш, ёллаш ва хоказо), уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тухтатиш масалаларини хал килиш;

- конун хужжатларида назарда тутилган холларда акциядорларнинг умумий йигилишига кадар ижроия органи ваколатини муддатидан илгари тухтатиш ва ижроия органи раҳбари вазифасини вактинча бажарувчини тайинлаш;

- жамият ижроия органининг фаолиятига даҳлдор хар кандай хужжатлардан эркин фойдаланиш ва жамият кузатув кенгаши зиммасига юқлатилган вазифаларни бажариш учун бу хужжатларни ижроия органидан олиш. Жамият кузатув кенгаши ва унинг аъзолари олинган хужжатлардан фактд хизмат максадларида фойдаланиши мумкин;

- ижроия органига туланадиган ҳак ва компенсациялар микдорини белгилаш, шунингдек, курсатилган толовларнинг чегараси микдорини Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 28.07.2015 йилдаги 207 - сонли карори билан тасдикланган “Давлат улуши булган акциядорлик жамиятлари ва бошка хужалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тугрисида”ги карори билан белгиланган самарадорликнинг муҳим курсаткичларига бοлаган ҳолда белгилаш;

- акциялар буйича дивидендлар микдори ва уларни тушлаш тартиби юзасидан тавсиялар бериш;

- жамиятнинг захира ва бошка фонdlаридан фойдаланиш;

- жамиятнинг бошкарув органлари (кузатув кенгашидан ташкари) фаолият тартибини белгиловчи хужжатларни тасдиклаш;

- жамиятнинг ваколатхоналарини очиш хамда филиалларини ташкил этиш;

- жамиятнинг шуъба ва тобе корхоналарини ташкил этиш;

- конунчиликда белгиланган холларда битимлар тузиш ҳакида карор кабул килиш;

- жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан бοглик битимларни конун хужжатларида белгиланган тартибда тузиш;

- жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) купайтириш масалаларини, шунингдек жамият уставига жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) купайтириш хамда жамиятнинг эълон килинган акциялари сонини камайтириш билан бοглик узгариш ва кушимчалар киритиш тугрисидаги масалаларни хал килиш;

- факат акциядорларнинг умумий йигилиши ва конунчилик билан белгиланган микдорда хайр саховат, эхсон (благотворительность) ва бошка текинга, пулсиз (безвозмездно) амалга ошириладиган ёрдамлар буйича карор кабул килиш ва ушбу ёрдамларни курсатиш (кабул килиб олиш) тартибини белгилаш;

- тегишли масалалар буйича кузатув кенгаши кошида комитетлар (ишчи гурухлар) тузиш;

- кимматли когозлар чикарилиши тугрисидаги карор ва эмиссия рисоласини тасдиклаш;

- кимматли когозлар чикарилиши тугрисидаги карор ва эмиссия рисоласига узгартеришлар ва (ёки) күшимчалар киритиш хамда ушбу узгартериш ва күшимчалар билан боглик булган узгартериш ва (ёки) күшимчалар матнини тасдиқлаш;
- конунчиликда белгиланган холларда акцияларни жойлаштириш (кимматли когозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташкари бозорига чикариш) нархини белгилаш;
- жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чикариш тугрисида карор кабул килиш;
- кимматли когозларнинг хосилаларини чикариш тугрисида карор кабул килиш;
- хомийлик (хайрия) ёки бегараз ёрдам курсатиш (олиш) тугрисида карорларни конун хужжатларида белгиланган доирада, бу хақда барча акциядорлар учун маълумотларни ошкор этган тарзда кабул килиш;
- кузатув кенгаши кошида кузатув кенгаши, ижроия органлари аъзолари, жамият ходимлари ва жалб этилган эксперктлар (тегишли соҳа мутахассислари, соҳа олий таълим муассасалари уқитувчилари ва бошкалар)дан иборат тегишли масалалар, шу жумладан, низоли вазиятларни аниглаш ва хал этиш ва бошка масалалар буйича кумиталар (ишчи гурухлари) ташкил этиш;
- электрон почта оркали (электрон ракамли имзо билан тасдиқланган холда), шунингдек, уни ваколатини вакилга бериш йули билан овоз бериш ёки акциядорлар умумий йигилишни видеоконференц-алока тарзида шу жумладан, электрон овоз (e-VOTE) бериш йўли билан утказиш тартибини белгилаш (тасдиқлаш);
- ушбу Устав, корпоратив бошкарув кодекси ва конунчиликка мувофик кузатув кенгаши ваколатларига киритилган бошка масалаларни хам хал этиш.

Жамият кузатув кенгашининг ваколатларига киритилган масалаларни хал килиш, жамият ижроия органига утказилиши мумкин эмас.

8.3. Жамият кузатув кенгашининг аъзолари ушбу Устав ва конунчиликда назарда тутилган тартибда акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан уч йил муддатга сайланадилар.

8.4. Жамият кузатув кенгаши таркибига сайланган шахсларнинг кайта сайланишлари чекланмайди. Жамият акциядорларининг умумий йигилиши карори билан Кузатув кенгашининг аъзосини хар бири (хаммаси)нинг ваколати муддатидан илгари тухтатилиши мумкин.

8.5. Жамият кузатув кенгашининг микдор таркиби 9 (туккиз) нафар аъзодан иборат булиб, бунда Корпоратив бошкарув кодексида акс эттирилган мустакил аъзо мезонларига мувофик булган кузатув кенгашининг камидаги бир нафар (аммо уставда кузда тутилган кузатув кенгаши аъзолари сонининг 15 фоизидан кам булмаган) аъзоси - йирик акциядорлар томонидан келишилган холда тавсия этилади ва сайланади.

8.6. Жамият бошқаруви аъзолари ва директори, унинг шульба ва тобе хужалик жамиятларида меҳнат шартномаси (контракт) буйича ишлатган шахслар ва жамиятни назорат килувчи давлатнинг ишчи ва мансабдор шахс ходимлари мазкур жамиятнинг бошкарув органларининг аъзолари жамиятнинг кузатув кенгашига сайланишлари, тайинланишлари мумкин эмас.

Жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) асосида ишлатган шахслар мазкур жамиятнинг кузатуви кенгаши аъзолари булиши мумкин эмас.

8.7. Кузатув кенгаши таркибига конунда назарда тутилган тартибда ушбу жамиятнинг акциядорлари хисобланмаган шахслар хам сайланishi мумкин.

8.8. Жамият кузатув кенгаши таркибига сайланадиган шахсларга нисбатан куйиладиган талаблар “Жамият Кузатув кенгаши тугрисида”ги Низом билан белгиланади.

8.9. Акциядор узига тегишли акциялар буйича овоздарни жамият кузатув кенгашининг битта номзодига тулик беришга ёки бир нечта номзод уртасида таксимлашга хаклидир.

8.10. Энг куп овоз туплаган номзодлар кузатув кенгаши таркибига сайланган деб хисобланади.

8.11. Жамият кузатув кенгашининг раиси кузатув кенгаши аъзолари томонидан уларнинг узлари орасидан кузатув кенгаши аъзолари умумий сонига нисбатан купчилик овоз билан сайланади.

8.12. Жамият кузатув кенгаши уз раисини кузатув кенгаши жами аъзоларининг купчилик овози билан кайта сайлашга хаклидир.

8.13. Жамият кузатув кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этади, кузатув кенгаши мажлисларини чакиради ва уларда раислик килади, мажлисда баённома юритилишини ташкил этади, акциядорлар умумий йигилишида раислик килади.

8.14. Жамият кузатув кенгашининг раиси йуклигига унинг вазифасини кузатув кенгаши аъзоларидан бири бажарип туради.

8.15. Жамият номидан бошкарув раиси (хорижий менежер) ва бошкарув аъзолари билан тузиладиган шартнома Кузатув кенгаши раиси ёки кузатув кенгаши ваколат берган шахс томонидан имзоланади.

8.16. Жамият кузатув кенгашининг мажлиси кузатув кенгашининг раиси томонидан унинг уз ташаббуси билан, кузатув кенгашининг аъзоси, жамият ижроия органининг, шунингдек мазкур Уставда белгилаб куйилган бошка шахсларнинг талабига биноан чакирилади.

Жамият овоз берувчи акцияларининг хаммаси булиб камида бир фоизига эгалик килувчи акциядорлар (акциядор), жамият кузатув кенгаши мажлисини чакиришга хакли.

Жамият кузатув кенгашининг мажлисини чакириш ва утказиш таргиби мазкур Устав ва “Жамият Кузатув кенгаши тугрисида”ги Низомда белгилаб куйилади.

Кузатув кенгаши мажлислари хар чоракда камида бир маротаба утказилади.

8.17. Кузатув кенгаши мажлисини утказиш учун кворум кузатув кенгашига сайланган аъзоларнинг етмиш беш фоизидан кам булмаслиги керак.

8.18. Жамият кузатув кенгаши аъзоларининг сони жамият уставида назарда тутилган миқдорнинг етмиш беш фоизидан кам булган такдирда, жамият кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш учун акциядорларнинг навбатдан ташкари умумий йигилишини чакириши шарт. Кузатув кенгашининг колган аъзолари акциядорларнинг бундай навбатдан ташкари умумий йигилишини чакириш тугрисида карор кабул килишга, шунингдек жамият ижроия органи раҳбарининг ваколатлари муддатидан илгари тутатилган гақдирда, унинг вазифасини вактинча бажарувчини тайинлашга хаклидир.

8.19. Жамият кузатув кенгашининг мажлисида карорлар мажлисда хозир булғанларнинг купчилик овози билан кабул килинади, жамият Устави ва конунчиликда бир овоздан карор кабул килиш белгиланган холатлар бундан мустасно. Жамият кузатув кенгаши мажлисида масалалар хал этилаётганда кузатув кенгашининг хар бир аъзоси битта овозга эга булади. Кузатув кенгаши аъзоларининг овозлари teng булган холларда кузатув кенгаши раисининг овози хал килувчи хисобланади.

8.20. Жамият кузатув кенгашининг бир аъзоси уз овозини кузатув кенгашининг бошка аъзосига беришига йул куйилмайди.

8.21. Жамият кузатув кенгашининг мажлисида баённома юритилади. Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлис утказилганидан сунг 10 кундан кечиктирмай тузилади.

8.22. Мажлис баённомасида куйидагилар курсатилади:

мажлис утказилган сана, вакт ва жой;

мажлисда хозир булган шахслар;

мажлиснинг кун тартиби;

овоз беришга куйилган масалалар, улар юзасидан утказилган овоз бериш якунлари;

кабул килинган карорлар.

8.23. Жамият кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлисда ишгиrok этаётган жамият кузатув кенгаши аъзолари томонидан имзоланади, улар мажлиснинг баённомаси тугрилиги учун жавобгардир.

8.24. Жамият кузатув кенгашининг карорлари сиртдан овоз бериш йули билан (сўров йули билан) жамият кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан кабул килиниши мумкин.

8.25. Хар чоракда ижро органининг ҳисоботини эшитиш бўйича кузатув кенгашининг мажлисларини сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) ўтказишга йўл қўймайди.

8.26. Акциядорлар умумий йигилишининг карорига кура жамият кузатув кенгашининг аъзоларига улар уз вазифаларини бажариб турган давр учун хак туланиши ва (ёки) кузатув кенгашининг аъзоси вазифаларини бажариш билан боғлик харажатларининг урни копланиши мумкин. Бундай хак ва туловларнинг микдорлари акциядорларнинг умумий йигилиши карорида ва “Жамият Кузатув кенгashi тугрисида”ги Низомда белгиланади. Кузатув кенгashi аъзолари ургасида вазифаларни таксимлаш Кузатув кенгashi раиси томонидан Кузатув кенгашининг хар бир аъзоси учун аник амалга оширилади.

8.27. Мулкни бегоналаштириш, уни сотиш шакли ва механизмини, жамият ва унинг таркибидаги корхоналар устав капиталига учинчи шахслар томонидан инвестиция киритиш бўйича келишувларни (битим, шартнома, меморандум ва бошқалар) мажбурий тарзда ушбу корхоналар кузатув кенгashi билан келишилгандан кейин тузилиши мумкин.

Жамият асосий фаолиятига хос бўлган янги кўчмас мулк обьектларини сотиб олиш ёки куриш ҳамда хўжалик жамиятлари устав капиталидаги улушни сотиб олиш, шунингдек, асосий фаолиятидан ташқари кўшимча фаолият билан шутгулланиш кузатув кенгashi қарорига асосан амалга ошириш, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумати қарорларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

8.28. Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари акциядорлик жамияти олдида конун хужжатларига ва жамият уставига мувофик жавоб берадилар. Бунда овоз беришда катнашмаган ёки жамиятга зарар етказувчи карорга карши овоз берган жамият Кузатув кенгashi аъзолари жавобгарликдан озод килинади.

8.29. Мажлиса кузатув кенгashi аъзолари аҳборот комуникация технологиялари қўллаган ҳолда, шу жумладан видеоконференцларни тизими оркали ва электрон овоз (e-VOTE) бериш йўли билан иштирок этиши мумкин, бунда уларнинг овозлари карор кабул килиш учун сиртдан берилган деб ҳисобланмайди.

## 9. ЖАМИЯТНИНГ ИЖРОИЯ ОРГАНИ

9.1. Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик килиш 5 (беш) кишидан иборат бўлган коллегиал ижроия орган (бошқарув) томонидан амалга оширилади.

Жамиятнинг коллегиал ижроия органи (бошқарув) таркиби “Ижроия орган тугрисида”ги Низомда белгиланади.

Акциядорлик жамияти ижро органининг раҳбари (бошқарув раиси)ни тайнинлаш тугрисидаги карор, одатда, хорижий менежерлар хам иштирок этиши мумкин булган ““Ўзпаравтотранс” АЖ бошқаруви раиси ва аъзолари лавозимларига танлов бўйича тайнинлаш регламенти” асосида ўтказилган танлов натижаларига кура кабул килинади. Бунда бошқарув раиси, бошқарув аъзолари ва хорижий менежерлар жамият кузатув кенгashi томонидан сайланади (тайинланади).

Акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан ижроия органи аъзолари сайланганда, акциядорлар вакили сифатида иштирок этувчи ижроия органи вакиллари ижроия органига аъзолар сайлаш масаласида овоз беришга хакли эмас.

Жамият номидан жамиятнинг бошқарув раиси, бошқарув аъзолари ва хорижий менежерлар билан меҳнат шартномасини жамият кузатув кенгашининг раиси ёки кузатув кенгashi ваколат берган шаҳе томонидан имзоланади.

Бошқарув раиси (хорижий менежер) коллегиал ижроия орган (бошқарув)ни бошкаради ва улар фаолиятини тартибга солиб мувофиқлаштириб боради.

9.2. Жамият бошқарув раиси (хорижий менежер) ва бошқарув уз фаолиятини амалдаги конун хужжатлари, мазкур Устав ва “Жамият ижроия органи тугрисида”ги Низомга асосан амалга оширади.

9.3. Кузатув кенгаши томонидан тайинланадиган жамият бошкарув раиси (хорижий менежер) ва бошкарув аъзоларининг ваколатлари муддатидан илгари тугатилган такдирда, жамият кузатув кенгашининг карори билан белгиланган шахс унинг вазифаларини акциядорларнинг навбатдаги умумий йигилишигача булган даврда вактинча бажариб туришига йул куйилади.

9.4. Жамияг ижроия органининг ваколатига жамиятнинг кундалик фаолиятига рахбарлик килишга доир барча масалалар киради, акциядорлар умумий йигилишининг ёки жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар бундан мустасно.

9.5. Бошарув раиси (хорижий менежер)нинг вазифалари:

- уз ваколатлари доирасида жамиятнинг самарали ва баркарор ишлашини таъминлаган холда унинг жорий фаолиятига рахбарлик килиш, акциядорлар умумий йигилиши ва кузатув кенгашининг мутлак ваколатига киритилган масалалардан ташкари;

- акциядорлар умумий йигилиши ва жамият кузатув кенгаши карорларининг бажарилишини ташкил этиш;

- акциядорлар умумий йигилиши ва жамият кузатув кенгашига йиллик бизнес-режа ижроси буйича, хамда уз ваколатига киравчи бошка ишлар буйича хисоботларни белгиланган муддатларда тақдим этиш;

- жамиятни ривожлантириш дастурлари ва бизнес-режалари ишлаб чикилишига рахбарлик килиш, уларни ташкил этиш ва бажарилишини назорат килиш;

- ишлаб чикилган жамиятни ривожлантирувчи дастурлари ва бизнес-режаларини бажарилиши билан боғлиқ ёки беъвосита бошкарув раисининг буйрук, фармойиш ва топшириқларини бажариш билан боғлик вазифаларни бажаришда ижро интизомига риоя этилишини таъминлаш буйича барча чора ва тадбирларни куриш;

- жамият шартнома мажбуриятларининг бажарилишини таъминлаш;

- жамият фаолиятини ва ижтимоий соҳани ривожлантириш учун зарур бўлган миқдорларда фойда олишни таъминлаш;

- жамият фаолиятида конун хужжатлари талабларига риоя килинишини таъминлаш;

- жамиятнинг барча таркибий булинмаларининг шу билан бирга ижро органи вакилларининг ўзаро самарали харакатини таъминлаш;

- жамиятда бухгалтерия хисоби ва хисботининг ташкил этилиши, зарур холати ва ишончлигилигини таъминлаш, йиллик хисботлар ва бошка молиявий хисботлар тегишли органларга уз вактида тақдим этилиши, шунингдек акциядорларга, кредиторларга ва бошка олувчиларга юбориладиган жамият фаолияти тугрисидаги маълумотлар тақдим этиш;

- жамиятнинг молиявий-хужалик фаолияти тугрисидаги хужжатлар жамиятнинг кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси ёки жамият аудитори талабига кура тусикларсиз тақдим этилиши;

- давлат статистика хисботи тегишли органларга тулик ва уз вактида тақдим этилишини таъминлаш;

- жамиятнинг тижорат сирини ташкил этувчи ахборотларнинг сакланиши, агар бундай ахборотни учинчи шахсларга бериш унинг вазифалари доирасига кирмаса, жамиятнинг тижорат сирини ташкил этувчи маълумотлар руйхати кузатув кенгаши томонидан белгиланади;

- хизмат ёки тижорат сирини ташкил этувчи ахборотнинг жамият ходимлари томонидан сакланишини таъминлаш;

- жамиятни малакали ходимлар билан таъминлаш, жамият ходимларининг билими, малакаси, тажрибаси ва кобилиятларидан энг яхши фойдаланиш чора-тадбирларини куриш;

- меҳнат ва технология интизомига риоя килиниши, ижтимоий кафолатларга риоя килинишини таъминлаш ва жамият ходимларининг меҳнатини муҳофаза килиш;

- жамоа музокораларида ижроия орган вакилларининг иштирокини таъминлаш. Жамоа шартномалари ва битимлар тузилишида иш берувчи сифатида кагнашиш. Жамоа шартномаси буйича мажбуриятларни бажариш;

- ўзок муддатли хизмат сафари ва меҳнат гаътили вакгини кузатув кенгаши билан келишиш, узи йуклиги даврида ижроия орган раҳбари вазифасини бажарувчи тугрисида кузатув кенгашига ахборот бериш;

- мазкур Устав ва конунчилик билан ижроия органи ваколатига киритилган бошка масалаларни амалга ошириш.

#### 9.6. Бошқарув раиси (хорижий менежер) куйидаги хукукларга эга:

- акциядорлик жамиятининг Устави ёки бошка хужжатлари хамда меҳнат шартномаси билан бошқарув раиси (хорижий менежер) ваколатига юклатилган жамиятнинг жорий фаолиятига раҳбарлик килиш буйича барча масалаларни мустакил хал этиш;

- акциядорлик жамияти номидан ишончномасиз иш юритиш, бошка ташкилотлар ва органлар билан булган узаро муносабатларда унинг манфаатларини ифодалаш;

- акциядорлик жамиятининг Устави ёки бошка хужжатлари билан олдиндан келишган доираларда унинг мол-мулки ва пул-маблагларини гасарруф килиш;

- шартномалар ва контрактлар, шу жумладан меҳнат шартнома (контракт)лари тузиш;

- ишончномалар бериш;

- банкларда хисоб-китоб счёtlари ва бошка счёtlар очиш;

- узига бўйсунувчи барча ходимлар томонидан бажарилиши мажбурий булган бўйруклар ва курсатмалар бериш;

- ходимлар штатини тасдиқлаш, уни бутлаш;

- жамоа музокарадаридан жамият номидан иштирок этиш ва жамоа шартномалари ни тузиш;

- Жамият ходимларини моддий рағбатлантириш;

- Жамият ходимлардан ички меҳнат тартиби, хамда жамиятда амал килаётган бошка коида ватартибларга, шунингдек меҳнат шаргномасига риоя килишни талаб килиш. Жамият ходимлари томонидан меҳнат интизомини бузган холатларда уларга нисбатан интизомий жазо чораларини куллаш;

- ходим билан меҳнат шартномаси расмийлаштириш вактида унинг учун жамиятнинг хизмат ва тижорат сири деб белгиланувчи ахборотларнинг хажми ва таркибини белгилаш;

- мазкур Устав ва конунчиликда назарда тутилган бошка хукуклар.

Жамият коллегиал ижроия органи (бошқарув)нинг ваколатлари хукуқ ва мажбуриятларига куйидагилар киради:

- Жамият булимлари фаолиятини бошқариш, жамиятнинг ишлаб чиқариш-техник хизматларига юклатилган топширикларни муваффакиятли бажариш. Жорий ва истиқболли юк ташиш режаларининг ишлаб чиқилишини бошқариш, автотранспортларнинг техник хизмат курсатиш ва таъмирлаш режа-жадвалларининг ва бошка ишлаб чиқариш-техник хизматларнинг иш-режаларининг тайёрланишига раҳбарлик килиш;

- уз ваколат доирасида ишлаб чиқариш ва хужалик фаолият масалалари буйича бўйруклар чиқариш;

- меҳнат ва техник интизом (ички меҳнат тартиби коидалари, устав ва интизом тугрисидаги низом ва коидалар)га риоя килиш;

- жамиятнинг молиявий-иктисодий фаолиятига раҳбарлик килиш;

- меҳнат унумдорлиги, ишлаб чиқаришнинг самаралигини ва рентабеллигини оширишга каратилган жамиятнинг иктиносий фаолиятини ташкиллаштириш ва такомиллаштириш;

- лавозим йурикномаси, меҳнат шартномаси ва амалдаги конунчиликка мувофик уз ваколат доирасига кирадиган бошка масалаларни хал килиш.

9.7. Жамиятнинг ижроия органини тузиш хамда унинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш жамият Кузатув кенгашининг карорига асосан амалга оширилади.

9.8. Жамият бошқарув раиси (хорижий менежер) ва бошқарув аъзоларининг хукуқ ва мажбуриятлари тегишинча конун хужжатларида, ушбу уставда хамда улар билан уч йил муддатга тузадиган шартномада белгиланиб, шартноманинг амал килиш муддатини узайтириш ёки уни бекор килиш мумкинлиги тугрисида хар йили карор кабул килинади.

Шартнома жамият номидан жамият кузатув кенгашининг раиси ёки кузатув кенгаши ваколат берган шахс томонидан имзоланади. Жамиятнинг бошкарув раиси (хорижий менежер) ва бошкарув аъзолари билан тузиладиган шартномада уларнинг жамият фаолияти самарадорлигини ошириш буйичамажбуриятлари хамда жамиятнинг йиллик бизнес-режасини бажариш кандай бораётгандилиги юзасидан акциядорларнинг умумий йигилиши ва жамият кузатув кенгаши олдида берадиган хисоботларининг даврийлиги назарда тутилиши керак.

9.9. Жамиятнинг бошкарув раиси (хорижий менежер) ва бошкарув аъзоларига туландиган хак микдори, жамият фаолиятининг самарадорлигига тугридан-тугри боғлик булади ва шартномада белгиланган булиши керак.

Бошкарув раиси ва аъзоларига туландиган хак ва (ёки) компенсациялар микдорлари Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 28.07.2015 йилдаги 207 - сонли карори билан тасдикланган “Давлат улуши булган акциядорлик жамиятлари ва бошка хужалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларии жорий этиш тугрисида”ги карори билан белгиланган самарадорликнинг муҳим курсаткичларига боғлаган холда белгиланади.

Жамият ижроия органи (бошкарув) хизматига хак тулаш хамда хак ва компенсацияларнинг микдори жамиятнинг “Ижроия органи тугрисида”ги Низомда белгиланади.

9.10. Жамиятнинг бошкарув раиси вазифаларини бошка ташкилотларнинг бошкарув органларидағи лавозим билан биргаликда эгаллаб туришга факат жамият кузатув кенгашининг розилиги билан йул куйилади.

9.11. Акциядорларнинг умумий йигилиши ёки жамият кузатув кенгаши жамиятнинг бошкарув раиси (хорижий менежер) ва бошкарув аъзолари билан тузилган шартномани агар бошкарув раиси (хорижий менежер) ва бошкарув аъзолари томонидан шартнома шартлари бузилган такдирда тугатишга (бекор килишга) хакли.

9.12. Жамият кузатув кенгаши жамиятнинг бошкарув раиси (хорижий менежер) ва бошкарув аъзолари билан тузилган шартномани, агар бошкарув раиси (хорижий менежер) ва бошкарув аъзолари жамият уставини купол тарзда бузса ёки бошкарув раиси (хорижий менежер) ва бошкарув аъзоларининг харакатлари (харакатсизлиги) туфайли жамиятга зарар етказилган булса, муддатидан илгари тугатиш (бекор килиш) хукукига эга.

9.13. Акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан жамият бошкарув раиси (хорижий менежер) ва бошкарув аъзоларининг ваколатларини тугатиш тугрисида карор кабул килинган такдирда, жамият бошкарув раиси (хорижий менежер) ва бошкарув аъзоларининг ваколатларини бошка шахсга утказиш тугрисидаги масала уша йигилишнинг узида хал этилиши ёхуд жамият бошкарув раиси (хорижий менежер) ва бошкарув аъзолари вазифасини вактинча бажарувчи шахсни тайинлаган холда акциядорларнинг якин орадаги умумий йигилишида куриб чикиш учун колдирилиши мумкин.

9.14. Жамият ижроия органи фаолиятини ташкил этиш конун хужжатлари, мазкур Устав ва “Жамият ижроия органи тугрисида”ги Низомга асосан тартибга солинади.

9.15. Шу билан бирга, жамиятнинг Бошкарув ваколатига куйидаги масала киради:

- Жамият томонидан мол-мулкни олиш ёки уни бошка шахсга бериш ёхуд мол-мулкни бошка шахсга бериш эҳтимоли билан боғлик битим (шу жумладан карз, кредит, гаров, кафиллик) ёки узаро боғланган бир нечта битимлар буйича карор кабул килиш, агар бошка шахсга берилаётган мол-мулкнинг ёки олинаётган мол-мулкнинг баланс киймати бундай битимларни тузиш тугрисидаги карор кабул килинаётган санадан олдинги хисобог санасига тузилган молиявий хисобот буйича жамият соғ активлари микдорининг 15 фоизигача ташкил этса, акцияларни ва бошка кимматли көгозларни жойлаш гириш билан боғлик булган битимлар бундан мустасно.

9.16. Жамият бошкарув раиси уринбосари бошкарув раиси булмаган пайтда жамият устави, лавозим йурикномаси, бошка ички (локал) хужжатлар ва амалдаги конунчиликка мувофик, бошкарув раиси билан келишилган холда мустакил равища жамият фаолиятига тегишли масалаларни хал килади.

Бошқарув раиси уринбосари жамият бошқарув раиси булмаган пайтда уз буйнига жамиятни жорий бошқариш билан бөлгик булган ваколатни олади ва куйидаги хукукларга эга:

Жамият номидан ишончномасиз харакат килиш;

Жамият манфаатларини барча ички (миллий) ва хорижий корхона, ташкилот ва муассасаларда химоя килиш;

Жамият устави ва Узбекистон Республикасининг амалдаги конунчилигига мувофик, мол-мулк ва воситаларни тасарруф этиш.

Жамият ишчи-ходимлари томонидан ижро этилиши мажбурий булган буйрук ва фармойишлар (топшириклар)ни чикариш.

Жамият штат жадвалини тасдиқлаш;

Ишчи ходимларни ишга кабул килиш ва ишдан озод этиш;

Жамият ишчи-ходимларини рагбатлантириш ва уларга нисбатан тегишли чоралар куриш;

Банкларда хисоб, валюта ва бошка счёtlарни очиш, шартномалар ва бошка битимларни тузиш.

Унинг ваколатига тегишли булган бошка масалаларни хал этиш.

Бошқарув раиси уринбосари жамиятнинг жорий фаолиятига раҳбарлик килиш буйича ўз вазифаларини бажаришда куйидагиларга мажбур:

жамиятнинг ташкилий тузилмасига мувофик жамиятнинг ишлаб чикариш ва молиявий фаолиятига раҳбарлик килиш, жамият бошқарув раиси булмаган пайтларда жамиятни бошқариш.

Бошарув раиси уринбосари жамият бошқарув раиси булмаган пайтда банк, пул, хисоб хужжатларга ва хужалик шартномаларга имзо куйиш хукукига эга.

## **10. ЖАМИЯТ КУЗАТУВ КЕНГАШИ, БОШҚАРУВ РАИСИ (ХОРИЖИЙ МЕНЕЖЕР) ВА БОШҚАРУВ АЪЗОЛАРИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

10.1. Жамият кузатув кенгашининг аъзолари, бошқарув раиси (хорижий менежер) ва бошқарув аъзолари уз хукукларини амалга оширишда ва уз мажбуриятларини бажаришда жамиятнинг манфаатларини кузлаб иш тутиши лозим ва белгиланган гартибда жавобгар булади.

10.2. Агар ушбу боб коидаларига мувофик бир нечта шахс жавобгар булса, уларнинг жамият олдидаги жавобгарлиги солидар жавобгарлик булади.

10.3. Жамиятга зарар етказилишига сабаб булган карорга овоз беришда иштирок этмаган ёки ушбу карорга карши овоз берган жамият кузатув кенгashi аъзолари, бошқарув аъзолари жавобгар булмайди.

10.4. Жамият ижро этувчи орган раҳбари ва аъзолари жавобгарлигини сугурталаш мумкин.

## **11. ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ**

### **а) Жамиятнинг ички аудит хизмати**

11.11. Жамият активларининг баланс киймати энг кам иш хаки микдорининг юз минг барабаридан куп булганда ички аудит хизмати ташкил этилади. Ички аудит хизмати жамиятнинг кузатув кенгашига хисобдордир.

11.12. Жамиятнинг ички аудит хизмати жамиятнинг ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари томонидан конун хужжатларига, жамият уставига ва бошка хужжатларга риоя этилишини, бухгалтерия хисобида ва молиявий хисоботларда маълумотларининг тулик хамда ишончли тарзда акс эттирилиши таъминланишини, хужалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган коидалари ва тартиб-таомилларига риоя этилишини, активларнинг сакланишини, шунингдек жамиятни бошқариш юзасидан конун хужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишини текшириш хамда мониторинг олиб бориш оркали жамиятнинг ижроия органи, филиаллари ва ваколагхоналари ишини назорат килади хамда баҳолайди.

11.13. Жамиятнинг ички аудит хизмати уз фаолиятини конун хужжатларида белгиланадиган тартибга мувофик амалга оширади.

11.14. Жамиятнинг ички аудит хизмати ички назоратни, шу жумладан, 50 фоиздан зиёд улуси жамиятга тегишли булган юридик шахслар билан утказилган операциялар устидан назоратни амалга оширади.

**б) Аудиторлик ташкилоти хизмати (ташқи аудит)**

11.15. Аудиторлик ташкилоти жамият билан тузилган шартномага мувофик конун хужжатларида белгиланган тартибда жамият молия-хужалик фаолиятининг текширилишини амалга оширади ва унга текшириш якунлари буйича хисобот хамда аудиторлик хulosасини тақдим этади.

11.16. Аудиторлик ташкилоти жамиятнинг молиявий хисоботи ва молияга дойр бошка ахборот хакидаги нотугри хulosани уз ичига олган аудиторлик хulosаси тузилганлиги окибатида етказилган зарар учун жамият олдида жавобгар булади.

11.17. Жамиятнинг 5 фоиз улушга эга акциядори аудиторлик текширувини ўтказиш ташаббуси билан чиқиш ҳуқуқини эга.

**12. ЖАМИЯТНИНГ КОРПОРАТИВ МАСЛАХАТЧИСИ**

12.1. Жамият кузатув кенгаши томонидан унга хисобдор булган ва корпоратив конун хужжатларига риоя этилиши устидан назорат килиш вазифасини бажарувчи жамият корпоратив маслахатчиси лавозимини жорий этади.

12.2. Жамият корпоратив маслахатчининг фаолияти жамият кузатув кенгаши томонидан тасдикланган низом асосида амалга оширилади.

**13. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР**

13.1. Устав буйича келиб чикадиган барча низо ва келишмовчиликлар акциядорларнинг узаро келишуви йули билан амалдаги конун хужжатлари ва ушбу уставга асосан хал килинади.

13.2. Низо ва келишмовчиликларни музокаралар йули билан хал килиш имконияти булмаган тақдирда улар тегишли равишда суд оркали хал килинади.

13.3. Мазкур Устав жамият Узбекистон Республикасининг конун хужжатларида белгиланган тартибда давлат руйхатига олинган вактдан бошлаб кучга киради.

13.4. Мазкур Уставда назарда тутилмаган масалалар Узбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳукукларини химоя килиш турғисида»ги конуни ва бошка конун хужжатлари асосида тартибга солинади.

«O'zparavttrans» АЖ  
бошқарув раиси В.В.б:



У.У.Тошев